

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 470-ҳадис

* تَفْتَحُ أَبْوَابُ الْجَنَّةِ يَوْمَ الْإِثْنَيْنِ وَيَوْمَ الْحُمَيْسِ، فَيَعْفُرُ فِيهِمَا لِكُلِّ عَبْدٍ لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا، إِلَّا رَجُلٌ كَانَتْ بَيْنَهُ وَبَيْنَ أَخِيهِ شَحْنَاءٌ، فَيُقْتَلُ أَنْظَرُوا هَذَيْنِ حَتَّى يَصْطَلِحَا.

(رواه الترمذی)

Душанба ва пайшанба кунлари жаннат эшиклари очилади. Ана шу икки кунда Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмаган барча бандаларнинг гуноҳлари кечирилади. Лекин биродари билан аразлашиб, кек сақлаган кишининг гуноҳлари кечирилмайди. Бу икки киши ислоҳга келгунча кутиб туринглар, деб айтилади.

Термизий ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

